

Оқсаройда қабул



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 июль куни Оқсаройда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) президенти Чинг-Куо Вуни қабул қилди.

Чинг-Куо Ву AIBA Ижроия қўмитасининг Тошкентда ўтаётган мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрди. Мазкур спорт форуми Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси учун Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарликнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, AIBA ва унинг раҳбари Чинг-Куо Ву ўзининг муносиб хизмати билан дунёда кенг тарқалган боксни ва, умуман, Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу нуфузли халқаро ташкилот Ижроия қўмитаси мажлисининг Тошкентда ўтказилаётгани муҳим воқеа бўлиб, бу жаҳон спортида Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлайди.

Чинг-Куо Ву мамлакатимизнинг жаҳон спорт майдонида обрўси ортиб бораётганини юксак баҳолади. Ўзбекистонда жисмоний тарбияни оммалаштириш ва болалар спортини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани халқаро жамоатчиликка яхши маълум. Давлатимиз раҳбарининг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ҳар томонлама етук ёшларни вояга етказишга доимий ғамхўрлик кўрсатаётгани, бу борада мақсадли ишлар амалга оширилаётгани натижасида айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб 60 фоизи спорт секцияларига қатнамоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида профессионал спортчи, мураббий ва ҳакамларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилди. Бугун барча зарур техник ва услубий воситалар билан таъминланган саксондан зиёд спорт федерациялари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 51 мингдан ортиқ спорт иншоотлари бунёд этилган. Спорт турлари бўйича кўплаб марказ ва секциялар, энг яхши хорижий спорт ареналаридан қолишмайдиган спорт мажмуалари ва заллари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ўйинларида эришаётган ютуқлари ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир. Тарихан қисқа фурсатда 6 олтин, 5 кумуш ва 10 бронза медали қўлга киритилди.

Ўзбекистон спортида бокс алоҳида ўрин эгаллади. 2014-2015 йилларда мамлакатимизнинг барча ёш ва вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари турли даражадаги 269 медалга сазовор бўлди. Ўзбекистонда халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар ва бокс турнирлари мунтазам ўtkazilmokda. 2015 йилнинг 7-14 июнь кунлари AIBA шафелигига пойтахтимизда ўtkazilgan бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 7 олтин ва 6 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Оксаройдаги учрашувда Ўзбекистонда ҳаваскорлик боксини ривожлантириш, мамлакатимизнинг AIBA билан самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси раҳбари Президент Ислом Каримовга самимий қабул ҳамда Ўзбекистонда спортни, жумладан, боксни ривожлантиришга улкан хисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдириди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентига спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантириш ҳамда оммаллаштириш йўлидаги улкан хизматлари учун, шунингдек, боксни халқаро ва миллий даражада ривожлантириш борасидаги фидокорона меҳнати эътирофи сифатида AIBAning юксак мукофоти – "Хизматлари учун" ордени топширилди.

ЎзА

Ҳавола:<http://uza.uz/oz/politics/o-saroyda-abul--15-07-2016>